

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

87 Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
19 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2203-4*

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 9 декабрдаги ПФ-4677-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сон «Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2011 йил 2 февралдаги 5, 4, 2011-4-сон қарори (рўйхат рақами 2203, 2011 йил 3 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 9-сон, 93-модда) билан тасдиқланган Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 февраль,
9-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2015 йил 10 февраль,
90-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 10 февраль,
2015-4-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг 2015 йил
10 февралдаги 9, 90 ва 2015-4-сон қарорига
ИЛОВА

**Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши
муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандда:

«г» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларига, давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб, 6 ой давомида, агар мазкур муддатда улар ўз эҳтиёжлари учун объектлар қурган тақдирда, қуриб битказилган объект-ни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан бошлаб 6 ой ўтгунгача, бироқ уларнинг давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йилдан кўп бўлма-

ган даврда. Бунда, янгидан ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари, улар давлат рўйхатидан ўтган санасидан 6 ойлик муддат тугаган ойнинг кейинги ойдан бошлаб, ўз эҳтиёжлари учун объектлар қурувчилар эса — қуриб битказилган объектни қабул қилиш ҳужжати тасдиқланган санадан 6 ойлик ёки давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг бир йиллик муддат тугаган ойнинг кейинги ойдан бошлаб, ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни тўлайдилар;»;

қуйидаги мазмундаги «д» кичик банд билан тўлдирилсин:

«д) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига ва тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари ҳузурида кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекцияларига.».

2. 8-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Агар ушбу Низом 2-бандининг «г» кичик бандида кўрсатилган юридик шахс ҳисобот чораги мобайнида ушбу Низомнинг 1-бандида белгиланган ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни тўлашни бошлаган бўлса, ер солиғи ушбу юридик шахсга ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби татбиқ этилган ҳисобот чорагидаги ойларни инobatга олиб ҳисоблаб чиқилади (ер участкаси ва (ёки) ижарага олинган хона майдони) х белгиланган ставка) / 12 х ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТ ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган ҳисобот чорагидаги ойлар сони).»;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишинча саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. 9-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Агар ушбу Низом 2-бандининг «г» кичик бандида кўрсатилган юридик шахс ҳисобот чораги мобайнида ушбу Низомнинг 1-бандида белгиланган ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни тўлашни бошлаган бўлса, ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси ушбу юридик шахсга ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби татбиқ этилган ҳисобот чорагидаги ойларни инobatга олиб аниқланади (ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси / 3 х ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТ ҳисоблаб чиқарилган ва тўланган ҳисобот чорагидаги ойлар сони).

Мисол, юридик шахс 2015 йилнинг февраль ойида ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни тўлашни бошлади. Белгиланган формула бўйича ҳисобланган 2015 йилнинг I чораги учун ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси 300 минг сўмни ташкил этди. Ушбу юридик шахсга ЯСТнинг энг кам миқдорини ҳисобга олган ҳолда ЯСТни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби 2015 йил I чорагининг икки (февраль ва март) ойи мобайнида татбиқ этилганлигини ҳисобга олган ҳолда, 2015 йилнинг I чораги учун ЯСТнинг ҳисоб-китоб суммаси 200 минг сўмни (300 минг сўм / 3 х 2) ташкил этади.».

4. 2-илова ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга иловага мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Ягона солиқ тўловининг энг кам миқдори киритилиши муносабати билан ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Хужжат тури /

Хужжат тури: 1 — маълумотнома, 2 — аниқлаштирилган маълумотнома (каср орқали аниқлаштириш рақами)

_____ га тақдим этилади.

(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**Солиқ тўловчи ҳақида
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Юридик шахснинг тўлиқ номи _____

2. Манзил _____

3. СТИР

4. Телефон: код рақам

5. Тақдим этилган аниқлаштирувлар дан қўлланилади.
(кун/ой/йил)

(ушбу банд аниқлаштирилган Маълумотнома тақдим қилинганда тўлдирилади).

**Ягона солиқ тўлови энг кам миқдорининг
МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБИ**

Ер участкасининг (ижарага олинган бинонинг) жойлашган жойи	Сатр коди	Майдони, га	Солиқ солинмайдиган майдон	Солиқ солинадиган база (3-устун – 4-устун)	Ер солиғининг 1 га учун ставкаси, сўм		Ер солиғи суммаси (сўм) (5-устун х 7-устун)	Камайтирувчи коэффициентлар		ЯСтнинг энг кам миқдорининг йиллик ҳисоб-китоб суммаси (сўм) (3 х 8-устун х 9-устун х 10-устун)
					жойлашган жойи бўйича	энг кам		амалга ошираётган фаолият турига боғлиқ ҳолда	жойлашган жойига боғлиқ ҳолда	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Юридик шахс жойлашган жойи бўйича — жами:	010				x	x		x	x	x
	0101							x	x	x
	...							x	x	x
Ер участкаси (ижарага олинган бино) жойлашган жойи бўйича — жами:	020				x	x		x	x	x
	0201							x	x	x
	...							x	x	x
Ер участкаларининг (ижарага олинган биноларнинг) умумий майдони (010-сатр + 020-сатр)	030				x	x				

Мазкур маълумотларнинг ишончлиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф.И.О. _____ Имзо _____	Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кун/ой/йил)
Бош бухгалтер СТИР <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> Ф.И.О. _____ Имзо _____	
Сана (кун/ой/йил) <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/>	
	Ф.И.О. _____ Имзо _____

М.Ў.

Изоҳ: ушбу Маълумотнома икки нусхада рўйхатдан ўтказиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига тақдим этилади. Давлат солиқ хизмати органи Маълумотноманинг олингани тўғрисида белги қўяди ва Маълумотноманинг бир нусхасини кейинги кундан кечиктирмай ариза берувчига қайтаради.»